

Сенга нима бўлди?



17:16 / 26.12.2024 2487

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Жаҳл: «Муҳаммад сизнинг олдингизда юзини тупроққа теккизадими (сажда қиладими)?» деди. «Ҳа», дейишди. «Лот ва Уззо билан қасамки, агар шундай қилганини кўрсам, албатта, бўйинини оёғим билан босаман ёки юзини тупроққа ишқайман», деди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам келиб, намоз ўқий бошладилар. Бўйинларига оёғи билан босади, деб ўйлашди. Аммо бирдан у ортига қараганча қўли билан юзини тўсиб қоча бошлади. Шунда унга: «Сенга нима бўлди?» дейишди. «Мен билан унинг орасида оловли хандақ бор. Анавилар... қанотлар бор», деди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «**Агар у менга яқинлашганида уни фаришталар парча-парча қилиб олиб кетишар эди**», дедилар.

Шунда Аллоҳ аzza ва жалла – билмадим, Абу Ҳурайрининг ҳадисидами ёки унга етган нарсалари – «Йўқ! Албатта, инсон туғёнга кетади»дан «Йўқ! Унга итоат этма»гача нозил қилди ва у зотга амр қилган нарсасини амр қилди».

Муслим ривоят қилган.